



# Ishonch

**ОХИЯТ**  
Олам аҳли  
билингким, иш  
эмас душманлиг,  
Ёр ўлунг  
бир-бирингизгаки,  
эрур  
ёрлиг иш.  
Алишер НАВОЙИ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқи

(Тошкент шаҳри, 2010 йил 11 июн)

Мухтарам давлат раҳбарлари!  
Хурматли Саммит қатнашчи-  
лари!

2001 йилда тузилган Шан-  
хай ҳамкорлик ташкилоти та-  
рихан қисқа вақтда замонавий  
геоёсиёсатнинг нуфузли халқ-  
қаро тузилмасига айланди,  
дейиш учун бугун барча асос-  
ларимиз бор.

ШХТни ривожлантиришда  
Ташкилот доирасида қузатув-  
чилар ҳамда мулоқот бўйича  
шериклар институти жорий  
қилинган принципал муҳим  
аҳамиятга эга бўлди. АСЕАН,  
МДХ билан ўзаро аниқлашув  
меморандумлари қабул қи-  
лингани, шунингдек, 2010 йил  
апрель ойида БМТ Бош қоти-  
би Пан Ги Муннинг Тошкент-  
га ташири асосида ШХТ ва  
БМТ қотибятлари ўртасида  
ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма  
декларация имзолангани  
ШХТни ривожлантиришнинг  
муҳим босқичи бўлди.

Ишончим комилки, ушбу  
хужжатнинг қабул қилиниши  
ШХТ олдида турган вазифа-  
ларни бажариши ва БМТ дои-  
расида ШХТга аъзо давлатлар  
манфаатларини биргаликда  
илгари суриш учун БМТ мин-  
баридан янада фаол фойдала-  
ниш имконини беради.

Бугунги Саммит чоғида  
Янги аъзоларни қабул қилиш  
тартиби тўғрисидаги низомни  
тасдиқлашимиз керак. Шу та-  
риха ШХТ ўз тараққиёти йўли-  
да навбатдаги муҳим қадамни  
ташлайди — тенг ҳуқуқли янги  
аъзолар ҳисобига Ташкилотни  
кенгайтиришга, жаҳон миқё-  
сидаги глобаллашув шароити-  
да ШХТнинг манфаатларини  
янада самарали ҳимоя қилиш-  
га йўл очилади.

Низомнинг тасдиқланиши  
ШХТга аъзо давлатлар тарки-  
би ўз-ўзидан унда қузатувчи  
мақомига эга бўлган давлат-  
лар ҳисобидан кенгайтириш, де-  
гани эмас, албатта.

Низомнинг қабул қилиниши  
билан ШХТга аъзо давлатлар  
қаторига қириш учун фақат  
ҳуқуқли асос яратилади.

Ишончим комилки, ШХТни  
янада изчил ривожлантириши-  
ни, унинг фаолияти ҳуқуқий  
асосларини такомиллаштири-  
ши таъминлашда бугунги  
Саммит чоғида Ташкилотимиз-  
нинг процедуралар қоидаларини  
тасдиқлаш муҳим аҳамият касб  
этади. Ушбу хужжат ШХТ ва  
унинг органлари тизими фа-  
олият юртишини, ШХТда  
қабул қилинадиган хужжатлар  
ва қарорлар сифат жиҳатдан  
юксак даражада тайёрланиши  
ва ижро этилишини таъмин-  
лашга хизмат қилади.

Умуман айтганда, ШХТни  
ривожлантириш борасидаги  
ишларнинг изчиллиги танқидий  
баҳоладан кейин бўлса,  
тўла осон билан айтиш мум-  
кинки, ШХТни ривожлантириш  
ва халқро майдондаги нуфу-  
зини юксалтириш бўйича,  
Ташкилотнинг бош мақсадла-  
ри — тинчлик, барқарорлик ва  
ҳавфсизликни мустақамлаш-  
га, ШХТ давлатларининг бар-  
қарор иқтисодий тараққиёти-  
ни таъминлашга, гуманитар ва  
ижтимоий соҳалардаги ҳам-  
корлигини кенгайтиришга эри-  
шиш йўлида Ташкилотнинг  
роли ва имкониятларини оши-  
риш борасида чуқур ўйланган,  
қатъий ва аниқ мақсадларга  
йўналтирилган жараён давом  
этимоқда.

Хурматли Саммит иштирок-  
чилари!  
Эътиборингизни яна бир  
масала — Афғонистон муаммо-  
сига қаратмоқчиман. Афғонис-

тон муаммоси ШХТнинг деяр-  
ли барча мажлисларида муҳо-  
кама этиб келинадиган муҳим  
масалалардан бири бўлиб, бу-  
гун ҳам бу мавзу диққат-эъти-  
боримизда турибди.

30 йилдан буён уруш да-  
вом этаётган Афғонистондаги  
муаммоларни ҳал қилмай ту-  
риб, Марказий Осиёда тинч-  
лик ва барқарорлик ҳақида га-  
пириш мумкин эмас, десак,  
айни ҳақиқатни айтган бўла-  
миз.

Уйлайманки, бу залда  
ҳозир бўлганларга Ўзбекис-  
тоннинг Афғонистон муаммо-  
сини ҳал қилиш бўйича —  
«6+3» тинчликпарвар гуруҳини  
шакллантириш ташаббуси деб  
ном олган — тақлифларнинг  
мазмуни яхши маълум. Ушбу  
тақлифларнинг моҳияти қуйи-  
дагилардан иборат.

**Биринчидан.** Афғонистон  
муаммосини ҳарбий йўл бил-  
ан ҳал этиб бўлмайди. Биз  
бу масалани НАТО/СЕАПнинг  
2008 йил апрель ойида Бухар-  
рест шаҳрида бўлган самми-  
тида ва бошқа халқаро фо-  
румларда кўтарган бўлсак,  
бугун афғон муаммосини ечи-  
шга дахлдор деярли барча ма-  
млакатлар раҳбарлари бу ҳақда  
гапиromoқда.

**Иккинчидан.** Афғонистон  
муаммоларини ҳал этишда ва  
у ерда барқарорликни таъ-  
минлашда, биринчи навбатда,  
жафокаш афғон халқига мак-  
садли иқтисодий ёрдам кўрсати-  
тишга, мамлакатнинг транс-  
порт-коммуникация ва ижти-  
моий инфратузилмасини бар-  
по этиш ва шакллантиришга,  
аҳоли бандлигини таъминлаш-  
га, қашшоқликка қарши кура-  
шиш билан боғлиқ ўткир му-  
аммоларни ечишга устувор  
аҳамият берилиши керак.

**Учинчидан.** Афғонистон-  
нинг тарихий, этник ва демо-  
график хусусиятларини, ушбу  
мамлакатнинг кўп миллатли ва  
кўп конфессияли халқи амал  
қиладиган қадимий урф-одат-  
ларини, ислом динининг анъа-  
навий қадриятларини инобат-  
га олиш ва ҳурмат қилиш зар-  
ур.

**Тўртинчидан.** Мурося жа-  
раёнига Афғонистон аҳолиси  
ва истисносиз барча қарама-  
қарши кучлар, этник ва диний  
гуруҳлар жалб қилинмаса,  
улар ўртасида консенсусга  
эришилмаса, Афғонистонда  
уруш ҳали узоқ давом этиши  
мумкин.

**Бешинчидан.** Бу жараёнда  
уч етакчи субъект — АКШ,  
Россия ва НАТОнинг фаол иш-  
тирок этиши муҳим аҳамиятга  
эга. Қўшни мамлакатларга,  
таъкидлаб айтман, Афғонис-  
тонга бевосита чегарадош  
бўлган мамлакатларга таяниш  
бу борада ҳал қилувчи аҳами-  
ят касб этади. Афғонистонда-  
ги этник гуруҳларга таъсир  
кўрсата оладиган ана шу мам-  
лакатларни жалб этиш билан-  
гина ижобий натижага умид  
қилиш мумкин.

Энг муҳими, бу вазифалар-  
нинг барчаси Бирлашган Мил-  
латлар Ташкилотининг етак-  
чилиги ва шафёолигида амал-  
га оширилиши зарур.  
Минтақавий ҳавфсизлик ва  
барқарорликни таъминлаш му-  
аммолари ҳақида гапиришда,  
Қирғизистондаги ҳозирги ва-  
зият хусусида қисқача тўхта-  
либ ўтмоқчиман. Ўзбекистон-  
нинг ушбу республикадаги  
воқеаларга муносабати Ўзбе-  
кистон Ташқи ишлар вазирли-  
гининг 2010 йил 9 апрелдаги  
махсус Баёнотида аниқ акс эт-  
тирилган. Биз бу воқеалар

Қирғизистоннинг ички иши,  
деб ҳисоблаймиз ва бунга ор-  
тиқча изоҳнинг ҳожати йўқ.

Қирғизистон жамоатчилиги  
ва халқининг бугунги кунда  
ушбу мамлакатда юзага кел-  
ган мураккаб вазиятда тўғри  
йўл топиш учун ҳаётий тажри-  
баси ва ақл-идроки етарли  
эканига ишончим комил.

Биз бугун имзолайдиган  
ШХТ Тошкент Саммитининг  
Декларациясида аъзо давлат-  
ларнинг бу масала бўйича  
умумий позицияси ифода  
этилган. Унинг асосий моҳия-  
ти қуйидагилардан иборат —  
биз Қирғизистон халқи билан  
ҳамжихатимиз, ушбу мамлакат-  
даги мураккаб вазиятдан бар-  
чанамиз ташвишдамиз, вазиятни  
тезда ўнглаш ва ҳокимиятни  
қонунийлаштириш, мамлакат-  
да ижтимоий-иқтисодий  
аҳволни яхшилаш мақсадида  
Қирғизистон Республикасига  
зарур ёрдам кўрсатишга тай-  
ёримиз.

Мен қисқача тўхталиб  
ўтмоқчи бўлган навбатдаги  
масала — бу дунёдаги деярли  
барча мамлакатларни ташвиш-  
га солаётган инқироздан кей-  
инги даврда иқтисодиётни  
тиклаш муаммоларидир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий  
инқирозининг энг авж олган  
даври асосан ортда қолганига  
қарамай, инқироздан чиқиш ва  
иқтисодиётни ривожланти-  
ришни мураккаб, оғир ва  
анча узоқ кечадиган босқичи  
ҳали олдинда экани ҳақидаги  
қўп ва нуфузли эксперт ва  
таҳлилчиларнинг фикрлари  
тўғри эканлиги тобора аён  
бўлиб бормоқда. Аини пайтда  
айрим мамлакатларда ишлаб  
чиқаришнинг пасайиши, юқо-  
ри даражадаги ишсизликнинг  
сақланиши, аҳолининг реал  
даромадлари камайиши, мо-  
лия ва банк бозорларида жи-  
ддий кескинликлар юзага кели-  
ши каби ҳолатлар тақрорла-  
ниши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Муаммоли ва қайтарилмай-  
диган кредитлар ҳажми кескин  
ошаётган шариотда бозорни  
катта микдордаги пул билан  
шишириш давом этаётгани,  
шунингдек, банк-молия секто-  
ри фаолияти етарли даражада  
назорат қилинмаётгани спек-  
улятив капиталнинг қўйилиши,  
фонд ва хом ашё бозорлари-  
да «пуфаклар» пайдо бўлиши  
учун шариот яратмоқдаки, бу  
молия ва валюта бозорларида  
салбий оқибатларга олиб кела-  
диган янги ўпирилишларга са-  
баб бўлиши мумкин.

Пул ва тўлов воситалари  
эмиссиясининг ўсиб бораётгани,  
биринчидан, уларнинг  
қадрсизланишига ва аввало,  
конвертация қилинадиган вал-  
юталарга бўлган ишончининг  
пасайишига олиб келиши, ик-  
кинчидан, инфляциянинг ўсиб  
келиши билан боғлиқ ҳавфли  
вазиятни келтириб чиқариши  
ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.  
Давлат бюджетни тақчилли-  
ги ва давлат қарзининг мик-  
дори жиддий муаммага айла-  
нади, айрим мамлакатларда эса  
ҳавфли тўл олиб, молия сек-  
торида катта кескинликни  
келтириб чиқармоқда, хара-  
жатларнинг чекланиши ҳамда  
ички ва ташқи бозорларда та-  
лаб қисқаришига олиб кел-  
моқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий  
инқирози Осиё минтақасининг  
аксарият давлатларига нисба-  
тан кучли таъсир кўрсатама-  
ган ва ушбу мамлакатларнинг  
кўпчилиги унинг оқибатлари-  
ни муваффақиятли, ишончли  
бартараф этаётгани барчамиз-

га катта мамнуният бағишлай-  
ди.

Бироқ жаҳон иқтисодиёти  
ривожланиш жараёнларининг  
ўзаро узвий боғлиқлигини  
ҳисобга оладиган бўлсак, ин-  
қироздан чиқиш, иқтисодий ва  
молиявий соғломлаштириш  
бўйича юзага келаётган ва  
кескин тус олаётган муаммо-  
лар, қаерда пайдо бўлишдан  
қатъи назар, барча мамлакат-  
лар ҳамда минтақаларга ғоят  
катта таъсир кўрсатиши мум-  
кинлигини унутмаслигимиз  
даркор.

Марказий Осиё минтақаси-  
да инқирозга қарши ва инқир-  
оздан кейинги ривожланиш  
дастурларини амалга оши-  
ришга доир вазият ҳақида гап  
борар экан, бу борада ҳамон  
сақланиб қолаётган муаммо-  
ларни ҳал этиш учун бизнинг-  
ча, кўп жиҳатдан ниҳоятда му-  
ҳим аҳамиятга эга бўлган ма-  
сала — коммуникацияларни  
ривожлантириш ҳақида алоҳи-  
да тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу ерда гап ҳам трансчега-  
равий, ҳам ички давлат аҳами-  
ятига молик автомобиль, те-  
мир йўл, ҳаво транспорти ко-  
муникацияларини барпо этиш  
ва реконструкция қилишга,  
ахборот-коммуникация алоқа-  
сига оид лойиҳалар ҳақида  
бормоқда.

Узоқ ўтмишда Шарқ билан  
Гарбни боғлаган ва Марказий  
Осиё минтақасининг жүрғоғий  
ва геоёсий жойлашуви не-  
чоғли муҳим эканини исботла-  
ган Буюк қанд йўли инсоният  
тарихида инқай чуқур из қол-  
дирганини барчамиз яхши би-  
лаемиз.

Биз яшаётган XXI глобалла-  
шув ва буюк ўзгаришлар асри  
кун тартибига биринчи навбат-  
да замонавий коммуникация-  
ларни, логистика марказлари  
ва турли хабарни ривожлан-  
тириш масаласини қатъий  
қўймоқда. Бинобарин, булар  
минтақавий ва жаҳон миқёси-  
даги интеграция ва коопера-  
ция жараёнларининг муҳим  
тарихий бўғинларидир.

Айниқса, бизнинг улкан  
минтақамиз ҳудудида бундай  
коммуникация марказларини  
қуриш ва шакллантириш тажри-  
баси шуни кўрсатадики,  
бундай марказлардан ҳам  
Шарқ, ҳам Гарбдаги етакчи  
берувчи ва харидор мамлакат-  
лар компаниялари бирдай  
манфаатдордир.

Автомобиль ва темир  
йўлларни, улар билан боғлиқ  
юкларни ортиш-тушириш  
станциялари ва марказларини  
қуриш, буларнинг барчаси кўп  
меҳнат талаб қилишини  
ҳисобга олганда, маҳаллий  
аҳоли бандлиги ва даромад-  
ларининг катта манбаига айла-  
ниши, шу тарихида минтақад  
энг муҳим ва ҳал қилувчи ма-  
салалардан бири бўлган бар-  
қарорликни таъминлашда ул-  
кан аҳамият касб этиши мум-  
кин. Ушбу масалаларнинг  
комплекс тарзда ҳал этилиши  
минтақа тараққиёти ва ижти-  
моий-иқтисодий барқарор  
ривожланишининг асосий воси-  
таларидан бирига айланиши  
мумкинлиги ҳақида гапириб  
ўтиришга ҳожат йўқ, деб  
ўйлайман.

Бироқ бу вазифаларни фа-  
қат халқро молия институти-  
лари ва ҳомий давлатларнинг  
жиддий молиявий қўллаб-қув-  
ватлаши билан амалга оши-  
риш мумкин, аини пайтда  
ушбу масалалар жаҳон ҳамжа-  
мийатининг диққат марказида  
бўлиши лозим.  
Эътиборингиз учун ташаккур.

## Озод юртнинг обод уйлари



**Президентимизнинг 2009 йил 3 август-  
да қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-  
жой қурилиши қўламини кенгайтиришга  
оид қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-  
да»ги қарорига асосан қишлоқ инфрату-  
зилмасини ривожлантириш, аҳоли тур-  
муш фаровонлигини ошириш борасида  
юртимизнинг барча жойларида бошлан-  
ган эзгу ишлар ўзининг юксак самарала-  
рини бермоқда. Қишлоқ жойларда барпо  
этилаётган замонавий уй-жойлар, комму-  
никация тармоқлари, ижтимоий соҳа  
объектлари, хизмат кўрсатиш ва сервис  
соҳобчалари аҳолига катта  
қулайликлар яратмоқда.**

Самарқанд вилоятида ҳам ана шундай уй-жой-  
ларга аҳолининг қизиқиши ортиб, буюртмачи-  
лар сафи кенгаймоқда. Янги уй-жойларга эга  
бўлиш учун «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан  
имтиёзли асосда узоқ муддатли кредитлар бе-  
рилаётгани бунда муҳим омил бўлаётди.  
Хозиргача қурилиш ишларига сарфланиши  
кўзда тутилган 43 миллиард 816 миллион сўм  
маблағнинг қарийб ярми уй-жойга талабгорлар-  
нинг 25 фоизлик бошланғич бадалли ва «Қишлоқ  
қурилиш банк» кредити ҳисобидан шаклланти-  
рилди. Аини пайтда 663 киши янги қурилаётган

уй-жойлар учун бошланғич бадални тўлаб бўлди.  
Уларнинг 650 нафари жорий йилда янги уйларга  
эга бўлса, қолганлари келгуси йилда қурилади-  
ган ана шундай турар-жойлар билан таъминлана-  
ди. Банк томонидан бугунги кунга қадар уч юз  
нафарга янги юртношларимизга янги бунёд эти-  
лаётган уйлар учун ипотека кредитлари ажратил-  
ди.

**Суратларда:** янги қад ростлаган уй-жойлар  
қўриниши.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ  
(ЎЗА) олган суратлар.**

## Ҳисобот-сайлов конференциялари

**Бежизга чўкки кўзланмайди. Чунки у ердан ҳамма нарса  
яққол қўринади. Дунё кафтинга тургандек, унга маълум  
маънода ўзгартиш киритиш мумкиндек туюлади. Аслида ҳам  
шундай: босиб ўтган йўлни баҳолай билган одам йўлда  
давом этишдан чўчимади.**

**Тошкент шаҳар Металлургия ва машинасозлик sanoati  
тармоқлари ходимлари касабаси уюшма қўмиталари раислари  
кенгашининг IV ҳисобот-сайлов конференцияси бу фикрни яна  
бир қарра тасдиқлан ўтказди.**

рилган, узоқ муддат фойдала-  
ниладиган товарларни харид  
қилиш, шунингдек, уй-жойлар-  
ни таъмирлаш учун қорхона-  
ларда меҳнат қилаётган ёш  
оилалардан 9 нафарига қарийб  
21 миллион сўм миқдорда  
ссуда берилди. Олий ўқув юр-  
тиларида таҳсил олаётган 6 на-

## Истиқболга назар

Ютуқлар ҳақида гапириш  
ҳаммаси мароқли. Лекин ҳисобот  
муражасини эшитиш жараёнида  
конференция делегатлари шун-  
га амин бўлишдики, таҳлил ва  
яна таҳлил, мавжуд камчилик-  
нуқсонларни ҳамжихатликда  
бартараф этиш, муҳими, истиқ-  
бол режаларини белгилаб  
олиш таъмоилига кўпроқ амал  
қилинди.

Бизнинг энг асосий иш  
қурилиши, бу шубҳасиз, жамоа  
шартномалари бўлиб, қўлимиз-  
нинг узунлиги ҳам, калталиги  
ҳам айнан ушбу масала қандай  
ечилиши топшириқ боғлиқ, —  
деди кенгаш раиси Шоирқом  
Исроилов. — Ўзининг таҳлил  
қилиб қўринг: 2009 йил ва 2010

йилнинг шу кунгача бўлган  
ҳисоботига кўра, касабаси уюшма  
хизматига олинган янги 10 та  
юрдик шахсларнинг 6 тасида,  
яъни 60 фоизда жамоа шарт-  
номаси қабул қилинган ҳолос.  
Хозирги кунда касабаси уюшма  
хизматига олинган жами 76 та  
қорхона ва ташкилотлардан 10  
тасида жамоа шартномаси  
бўлмагани учун мингдан ортиқ  
меҳнатқашларнинг манфаатлари  
ҳимоя қилинмай қолмоқда.

Дарҳақиқат, қўшимча имтиёз  
ва кафолатлар тўғрисида гап  
көтганда, беихтиёр кўз ўнги-  
мизда жамоа шартномалари на-  
моён бўлади. Мана бир мисол:  
жамоа шартномалари орқали  
мамлакатимизда ишлаб чиқа-

фар талаба учун 7 миллион 400  
минг сўмлик контракт пуллари  
ўтказилди.

Қаердаки, касабаси уюшма  
етақчилари тишли-жагли  
бўлса, ўша жойда суниётмо-  
молларга йўл қўйилмайди,  
ишчи-ҳодим меҳнати қадр топа-  
ди. 2005-2009 йиллар давоми-  
да шаҳар Кенгаши томонидан  
бошланғич касабаси уюшма  
қўмиталари билан биргаликда  
қорхона ва ташкилотларда иш  
ҳақидан қарздорликни тугатиш  
бўйича «Харакат тартиби»га би-  
ноан 10 марта иш берувчилар  
олдига қўйилган расмий талаб-  
номалар орқали 980 миллион  
сўм ундириб берилди.  
(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг баёноти

Ўзбекистон жамоатчилиги ва халқи сўнги кун-  
ларда Қирғизистон жанубидаги Уш шаҳрида рўй бе-  
раётган воқеалар юзасидан қаттиқ хавотир ва таш-  
вишда эканини билдиради.  
Уш шаҳри қўчалари ва уйларида босқични тўда-  
лар томонидан тинч аҳолига нисбатан содир эти-  
лаётган ва жазосиз қолаётган қотиллик, зўравон-  
лик, қирғин, ўт қўйиш ва талон-тарож ҳолатлари  
бутун жаҳон жамоатчилигининг ғазабини кўзгамоқ-  
да.

Айниқса, оммавий тус олган қотиллик, талон-та-  
рож ва уйларга ўт қўйиш ҳолатлари Уш шаҳри ва  
Уш вилоятида яшаётган ўзбек миллигига мансуб  
аҳолига нисбатан содир этилаётганига асло тоқат  
қилиб бўлмайди ва бу ғоят жиддий ташвиш  
муаммо.  
Ушотирилаётган, бошқарилаётган ва ивгогар-  
лик характерига эга бундай хатти-ҳаракатлар  
миллатлар ўртасида низо кўзгатиш, Қирғизистон  
жанубида яшаётган кам сонли миллатлар вакил-  
лари учун чидаб бўлмайдиган шариотини вужуд-

га келтириш ниятида узоқни кўзлаб содир этил-  
моқда, деб ҳулоса чиқариш учун барча асослар  
бор.

Буларнинг барчаси нияти киргиз халқи манфа-  
атларидан мутлақо йироқ бўлган қабих қўчалар фит-  
неси билан содир этилаётганига бизда ҳеч қандай  
шак-шубҳа йўқ.

Бугунги кунда Уш шаҳрида рўй бераётган бун-  
дай воқеалар Қирғизистонда истиқомат қилувчи  
барча миллат ва эллатлар вакиллари ўртасидаги кўп  
асрлик, анъанавий, тарих синовларидан ўтган  
дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига мутлақо мос  
келмайди.

Кўп синовлар ва воқеаларни бошидан кечирган  
Қирғизистон халқи ва унинг соғлом кўчаларининг  
мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш, кўп  
миллатли Қирғизистон халқининг тинч ва фаровон  
келахатини таъминлаш мақсадида авж олган жино-  
ятчилик ҳамда ҳунрезликларга чек қўйиш учун ақл-  
идроки ва ҳаёт тажрибаси етарли эканига ишонч  
билдираемиз.

# Истиқболга назар

(Боши 1-бетда)

Хисобот даврида бандлик, аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш жойларини яратиш масалалари бир зум бўлсин қасаба уюмлари эътиборидан четда қолмади. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда, хусусан, қасаначиликни тармоқда ривожлантириш ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Бугунги кунда тармоқ қороналарнинг бешдан бир қисмидан кўпроғида қасаначилик ташкил қилинган бўлиб, ҳаммасидан ҳам қороналарда қабул қилинган жамоа шартномаларига қўшимчалар киритилиб, 173 нафар қасаначи манфаатлари ҳимояга олингани айни мuddо бўлди.

Меҳнат муҳофазаси металлургия ва машинасозлик саноати учун самарадорликнинг тенг ярми дейилса, асло муболага бўлмайди. Санитар-гигиеник меъёрлар ва хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари ва жиҳозларидан қанчалик тез фориғ бўлиса, оғир жисмоний меҳнат билан банд бўлган ишчи-ҳодимларнинг саломатлиги шунчалар ишончли ҳимоя қилиниши бугун барчага аён. Охириги йилларда тармоқ бўйича ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликларига чалиниш сезиларли даражада камайган бўлиб, масалан, 2009 йилда 6 та бахтсиз ҳодиса юз бергани ҳолда, ўлим ҳолати кузатилмади. Бунда жамоа шартномаларининг «Меҳнат муҳофазаси бўйича битим»ларидаги тадбирларнинг бажарилиши ва уларга ажратилган маблағларнинг аниқ мақсадларда сарфланиши устидан қасаба уюшма кўмиталари назорат олиб бораётганлиги, шубҳасиз, ўз сўзини айтаётди.



Хисобот маърузасида яна бир муҳим масала — ўтган даврда «Узметмашсаноат» КўК раислари Кенгаши девонига жисмоний ва юридик шахслар томонидан жами 75 та ёзма ва 829 та оғзаки муражаатлар келиб тушганиги маълумот учун қайда этиб ўтилди. Улар асосан маъмурий ва ҳодимлар ўртасидаги низоли ҳал қилишда ёрдам бериш, иш бевуҷи томонидан меҳнат шартномасини ноҳақ бекор қилиш, иш ҳақидан қардорликни бартараф этиш, ишлаб чиқаришда соғлиққа ўтказилган зарарни қоплаш, етказилган зарар миқдорини қайта ҳисоблаш каби масалаларга оид бўлиб, муражаатлар амалдаги қонунчилик доирасида қуриб чиқилиши натижада уларнинг аксарияти ўзининг ижобий яқини тоғди.

Конференцияда умуминсоний қадриятлар — маънавият ва маърифат масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. — Қороналардаги кутубхоналар маънавиятнинг юксалишига хизмат қилиши даркор, — дея таъкидланди маърузада. — Афсуски, кутубхоналарни мустақиллик йилларида чоп этилган адабиётлар билан бойитиш, миллий гоёни тарғиб этувчи плакатлар билан жиҳозлашга эътибор ҳамон етарли даражада эмас. Шунингдек, маданият уйлари ва саройларида «Тинч-осуда ҳаёт ўзимиз учун, миллатимиз учун керак», «Соғлом тафаккур ҳар биримиз учун» мавзуларида кўргазмалар тайёрлаш, олимлар ва фан арбоблари билан учрашувлар уюштиришга эътибори қайтариш лозим.

Маъруза юзасидан сўзга чиққан «Технолог» ОАЖ меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси Д.Недуступов, «Хайтек-Кабел» қўшма қоронаси бошқарув раиси ўринбосари И.Розиков, қасаба уюшма фахрийси А.Рябенко ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Конференцияда тармоқ Марказий кенгаши раиси Шавкат Адиллов истиқболда турган муҳим вазифаларга эътиборни қаратди.

Шаҳар металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ҳодимлари қасаба уюшма кўмиталари раислар Кенгаши ҳамда тафтиш комиссиясининг янги таркиби сайланди.

Шунингдек, тармоқ Марказий кенгашининг IV Курултойи ҳамда шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши конференциясига вакиллар тасдиқланди.

Конференция ишида ҳозир бўлган туркиялик меҳмон — Халқаро Евроосиё мамлакатлари метал ишчилари қасаба уюшмаси Федерациясининг бош қотиби ўринбосари Меҳмет Суяпек Ўзбекистонлик ҳамкасбларига омад тиласди.

Тадбирда Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нурилла Насимов иштирок этди.

Зайниддин РИХСИЕВ,  
«Ishonch» мухбири


# Фаолият ижобий баҳоланди

Тошкент шаҳар Агросаноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшмаси VI ҳисобот-сайлов конференцияси тақлиф ва мулоҳазаларга бой бўлди.

— Тизим қорона ва ташкилотлари қасаба уюшма кўмиталарининг роли ва нуфузини оширишга, уларнинг иш услубини такомиллаштириб, ҳимоялаш функцияларини қайтаришга ҳаракат қилдик. Бу 33 мингта яқин аъзоли бирлаштирган 176 та бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари фаолиятида яққол акс этмоқда. — деди шаҳар тармоқ кенгаши раиси Ноила Умарова. — Жумладан, ўтган беш йилда меҳнатни муҳофазаси бўйича тизим қорона ва ташкилотлари жамоа шартномаларига киритилган 6721 тадбирдан 5783 таси, яъни 86 фоизи бажарилиди. Меҳнатқашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга, улар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Хисобот даврида тизим ҳодимларидан 1233 нафари дам олиш уйларида ва 2,5 мингта киши «Настири» ва «Ором» санаторий-профилакторийларида соғломлаштирилган бўлса, тизим ҳодимларининг 4000 дан зиёд фарзандлари «Конструктор» ва «Ғуна» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирилди.

А. ЭРГАШЕВ

# Мақсадимиз — жисмонан бақувват,



# Шароит ва натижа

Вилоятимизда 2003-2009 йиллар мобайнида 91 та спорт иншооти фойдаланишга топширилди.

Бу ёшлар ўртасида спортни кенг ёйиш имконини бермоқда. Мавжуд спорт иншоотларида 36 турдаги спорт секциялари фаолият кўрсатмоқда. Уларга мактабларимиздаги мавжуд 400.502 нафар ўқувчидан 161.045 (шундан 30,5 фоизи қизлар) нафари жалб этилган.

Барча иншоотларимиз спорт анжомлари билан таъминланган. Кейинги пайтда спорт мураббийлари тайёрлаш борасида анча ишлар қилинди. Ҳозир мураббийлар 501 нафарга етди. Уларнинг 173 нафари хотин-қизлардан иборат.

Спорт клубларимиздагина эмас, умуман, барча мактабларимиздаги спорт залларида машғулотлар ўтказиладиган жисмоний тарбия ўқитувчилари малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Машғулот олиб бораётган жисмоний тарбия ўқитувчиларининг 71 нафари олий маълумотли, 66 нафари ўрта махсус маълумотга эга.

Вилоятимизда болалар спортини, умуман, спортни ривожлантиришга берилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда. Жумладан, республика ва халқаро миқёсда ўтказилган мусобақаларда вилоятимиз спортчилари томонидан 230 та олтин, 229 та кумуш, 257 та бронза медаллари қўлга киритилди ва 5 та халқаро тоифадаги спорт устаси, 37 та спорт устаси, 405 нафар спорт усталигига номзод тайёрланди.

2009 йилда ўтказилган республика ва халқаро спорт мусобақаларида вилоятдаги ўқувчи-ёшлар томонидан жами 76 та медал, жумладан, 20 та олтин, 33 та кумуш, 23 та бронза медали қўлга киритилди. Соғлом турмушдан 24 нафари қизлардир. Бундан ташқари, мамлакат чемпиони деган шарафни унвонга сазовор бўлган 3 нафар баскетболчи ва 3 нафар волейболчи қизлар Республика олий ўқув юртига имтиёзли кириш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қурилган спорт иншоотларида шуғулланаётган ўқувчи-ёшлардан

1214 нафари республика миқёсида спорт мусобақаларида қатнашиб, уларнинг 350 нафари биринчи, 312 нафари иккинчи, 318 нафари учинчи ўринни эгаллади. 140 нафар ўқувчи халқаро майдонларда беллашув шарафига мўъassar бўлди ва 40 нафар ўқувчи биринчи, 43 нафар ўқувчи иккинчи, 80 нафар ўқувчи учинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган дастурга асосан 2010 йилда вилоятимизда 17 та спорт иншооти барпо этилиши керак бўлиб, улардан 10 тасида қурилиш-монтаж ишлари алақачон бошлаб юборилган. Ҳозирга қадар 1861,7 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиди.

Дастурдаги 7 та спорт объектидан 6 тасида пудрат-тендер савдолари яқунлиги, голиб пудратчилар аниқланди. Ушбу режалар амалга ошса, вилоятимизда болалар спортини янада оммалашади.

Ибодулла ЖАББОРОВ,  
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Наманган филиали директори

# Наманган

# Бўлажак чемпионлар маскани

Наманган олимпиада захиралари коллежи 2-босқич талабаси Бобур Фуломовни ахтариб борганимизда, хашаматли бинонинг улкан залида спортнинг бир неча тури бўйича машғулотлар авжига чиққан экан.

Эндигина 17 ёшга қираётганига қарамастан бир неча бор шаҳарлараро, вилоятлараро бокс мусобақаларида голибликка эришган Бобурнинг устози Ботир Қажоровнинг таъкидлашича, Б.Фуломов аллақачон номзодлик талабини бажариб улгурди. Мамлакат ёшлар терма жамоаси таркибига қабул қилинди.

— Бобур бугун Ўзбекистондаги таниқли боксчилар қаторидан ўрин олган, — дейди коллежнинг бокс ва спорт мусобақалари кафедраси мудири Хасанбой Болтаев. — Қўллаб бокс беллашувларида иштирок этиб, голиб бўлди. У коллежimiz ўқувчиси Акбар Ақромов билан бирга Сингапурда бўладиган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида тўйғарлик кўришарди. Талабаларимиздан Бургут Хожиев ва Фарҳод Исломов ҳам ушбу чемпионатга бориш учун кеча-кундуз ҳозирлик кўрмоқда.

— Ушбу ёшлар олимпиадасида футболчиларимиз ҳам иштирок этади, — сўз-батга қўшилди коллежнинг спорт ишлари бўйича директор ўринбосари, вилоят тақваандо федерацияси президенти Сарвар Набиев. — Бундан ташқари, боксчи ва тақваандочиларимиз мамлакат чемпионатида пухта ҳозирлик кўрмоқда. Коллеж ўқувчилари ноҳушта билан таъминланган. Сентябр ойидан бошлаб эса вилоятдаги мавжуд 12 та спорт коллежининг ҳаммаси тўлиқ давлат таъминотида ўтказилди.

Ушбу коллежда спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича шуғулланиш учун барча шароит муҳайё. Спорт анжомлари етарли. Тажрибали мураббийлар ўқувчиларни танлаган спорт тури билан шуғулланиши учун бор тажриба ва маҳоратини ишга солишарди.

Дамирбек ДЕДАМИРЗАЕВ,  
Вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори



Наманган шаҳридаги 19-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ёшларга спортнинг бадий гимнастика, трюмпинг, акробатика, кўл түпи каби турлари бўйича машғулотлар ўтказилди.

Барча қўлайлик яратилган мазкур даргоҳда 341 нафардан ортиқ боллага 14 нафар мураббий спорт сирларини ўргатиб келмоқда.

Мактаб ўқувчилари республика ва халқаро миқёсдаги турнирларда иштирок этиб, яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Жумладан, жорий йили ўқувчилар пойтахтимизда ўтказилган бадий гимнастика бўйича халқаро турнирда учта олтин, учта кумуш ва бронза медалини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Суратда: Наманган шаҳридаги 19-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бадий гимнастика бўйича мураббийси Зекиё Гнездилова қизларга гимнастика сирларини ўргатишда. Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎА) олган сурат

# Франциядаги муваффақият

иккинчи ўрин эгаллангани бунга бир мисолдир. Шунингдек, республика чемпионатида Элвина Шарипова ва Зарина Аитовалар 1-ўрин, Розалия Собҳидуллина эса 2-ўрин соҳибига айланди.

Малайзияда ўтказилган халқаро турнирда спортнинг каратэ тури бўйича Расулжон Ортиқов, Сарвар Муродиллаев иштирок этиб, фахрли

3-ўринни қўлга киритди. Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича Ўзбекистон чемпионида Азамат Обидов, Муҳаммад Эргашев ва Мурод Орипов 1-, ва 2-ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Каратэ бўйича Ўзбекистон терма жамоа аъзолари сафи 11 нафарга етгани ҳам ютуқлар сирасига қиради.

Муваффақият сири, авваламбор, спортчиларимиз шарида бўлиб ўтган бокс жаҳоб бера оладиган спорт зали ва майдонларида шуғулланаётганлиги билан бевосита боғлиқдир. Янгиқўрган туманидаги «Исқовут» болалар ўйингоҳи, Наманган шаҳридаги Болалар олимпиада захиралари спорт мактаби заллари шулар жумласига қиради.

Мақсадимиз бундан кейин ҳам спортни янада ривожлантиришга ҳисса қўиш ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда юқори натижаларга эришишдир.



Маънан етук ва комил инсонни тарбиялаш

ВИЛОЯТИ

Вилоятда 1 млн. 267 мингдан ортиқ ёшлар истиқомат қилади. Вазирамиз уларнинг ҳар томонлама камол топишини таъминлашди...

Интилганга толе ёр



Спорт — камолот пиллапоясининг муҳим босқичи ҳисобланади. Хотин-қизлар байрами арафасида вилоятимиз биринчилиги учун бўлиб ўтган «Камолот маликаси» стол тенниси мусобақаси чоғида бунга яна бир қара амин бўлдик...

Бундан ташқари, ёшларни касбга йўналтириш ҳам асосий вазифаларимиздан бирига айланган бўлиб, 2009 йил «Уста-шогирд» йўналиши бўйича 100, амалдаги йилнинг ўтган даври ичида эса 50 нафар хунарманд тайёрланди...

Ойбек МАҲКАМОВ, «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими кенгаши раиси ўринбосари

Самбо маликаси

Бугунги кунда наманганлик йигит-қизлар турли халқаро спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, маҳоратини намойиш этмоқда. Улар сафида Учқўрғон тумани Қўғай қишлоғида туғилган Нарғиза Ҳамдамова ҳам бор.

Нарғиза болалигида навниҳол қизча эди. Уруш-жанжалдан қўрқар, тўпалон чиққан жойдан узокроқ юришни лозим кўради. Бир гал хола синикидан мева келтираётганида уч нафар бола йўл тўсиб, қўлидагини ташлаб кетишини айтишди...

Хуллас, у тўғарака қабул қилинди. Ун еттига ўғил бола орасида ёлғиз бўлишига қарамай, машғулотларда фаол қатнаша бошлади. Нарғиза яхши ўқиш билан бирга, тўғарақ раҳбари томонидан берилган топшириқни астойдил бажарар, ўғил болалардан қолишмасликка ҳаракат қиларди...



Андижондаги Олимпия заҳиралари спорт коллежини тамомлади. 2008 йилда Тошкент шаҳрида самбо бўйича Осиё чемпионатида унга омад кулиб боқди. Уша йили Туркия пойтахти Анқара шаҳридаги кураш беллашувиде фахрли ўринлардан бирини қўлга киритган Нарғиза кейинги йилда Ханой шаҳрида ташкил этилган Осиё чемпионатида ўз маҳорати билан миллионлаб спорт ихлосмандларини қойил қолдирди...

Бугунги кунда Нарғиза Ҳамдамова ўқувчиларга жисмоний тарбиядан дарс бераётир.

Кўз олдингизга келтиринг: соҳилари кирк кокил қиз нозик бармоқлари билан кўзача кўтариб сой бўйига келади ва кумушдек ялтираб оқайтган сойдан сув олади ёки оппоқ, лўппи пахта нозик бармоқлар ёрдамида теримчи этагига келиб тўшмоқда...

Рақс сеҳри


Раққоса буларни нозик ҳаракатлари, имо-ишоралари билан аниқ-тиниқ ифодалаб берадики, қойил қолмай иложингиз йўқ.

Ҳа, рақс санъатининг сеҳри шундаки, у томошабининг сеҳрлайди. Дилобар Абдурашидова санъатнинг ана шу турига болалар босчасига қатнаб юрган чоғлариданоқ меҳр қўйди. Ўқувчиллик йилларида эса болалар маданият саройига қатнади, шаҳар, вилоят, республика кўрик-танловларида иштирок этди. Бу соҳада эришган ютуқлари эвазига Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Олийгоҳимизда санъатга меҳр қўйган қизлар анчагина, — дейди Д. Абдурашидова. — Масалан, опера кўшиқлари ва ариялар куйлашда Садоқат Йўлдошевага тенг келадигани кам топилади. Нозима Париева эса «Нафосат бустоним маним» мавзусидаги кўрик-танлов голиби.

Дилобар яхши ўқиши, санъат соҳасидаги эришган ютуқлари билан бир қаторда фаол жамоатчи.

Шермухаммад БЕГМАТОВ, Наманган Давлат университети касабаси уюшма кенгаши раиси



Мақтаган санъаткорларингиз шуми? — Оғриниб сўрадим концертга тақлиф қилган қадрдонимдан. — Хали булар бола-ку.

Шошмай туринг, кўрасиз. Рубоб ва гитара оҳангига доиранинг шўх товуши қўшилди. Баҳор авжи сеп ёйган, дов-дарахлар ва эндигина юз очайтган гулзорлар узра эғизак хонандаларнинг ёқимли хониши қанот ёя бошлади. Биласизми, мен ўзимни Наманганимизнинг Бобур номидаги истироҳат боғида эмас, Тошкентдаги ёшлар боғида таниқли ўзбек эстрада кўшиқчиларининг хонишини тинглаётгандек ҳис қилдим беихтиёр...

— Ёқимми? — Шеригим турткисидан ўзимга келдим. — Нимасини айтасиз! Чинакамига беш кетдим, — дедим қойил қолганимни яшира олмасдан.

— Эғизак Ботировлар ҳақида гап кетганида, бир нарсани таъкидлашни истардим, бу ҳам бўлса, меҳнатқашликдир, — дейди ижрочиларнинг раҳбари Шукрулло Турдиев. — Кўшиқчилик ёки ижрочилик бўйича мураккаброқ топшириқ берилса, бажармагунларича тинчшмайди. Ҳатто, дам олиш кунлари ҳам машғул бўлишади. Муҳими, эстрада кўшиқчилигига юракдан ихлос қўйишган.


Эғизаклар ўқиш жараёнида қатор эстрада кўшиқларини яратишда ва санъат ихлосмандларига тақдим этишди. 2008 йилнинг январ ойида вилоятда ўтказилган эстрада кўшиқлари ижрочилари танловида 1-ўрин, ўша йилнинг ёз ойларида Тошкентда ўтказилган «Қалбимда Ватан мадҳи» эстрада хонандалари танловида биринчи даражали диплом билан мукофотланди. 2009 йилда Қашқадарё вилоятида шу йўналишда ўтказилган ёш ижрочилар танловида иккинчи даражали диплом эгаси ҳамда лауреатлик дипломига муносиб топилдиши. Шунингдек, Қорақалпоғистонда ўтказилган ёш эстрада ижрочиларининг танловида Отажон Худойшукуров жамғармаси дипломи билан тақдирланди.

Ҳасан-Ҳусанлар куйлаганда

Ёзги концерт майдони гавжум. Ёшу кекса томоша бошланишини интиқ кутмоқда. Ниҳоят саҳнага 17-18 ёшдаги икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш йигитлар чиқиб келишди.

— Мақтаган санъаткорларингиз шуми? — Оғриниб сўрадим концертга тақлиф қилган қадрдонимдан. — Хали булар бола-ку. — Шошмай туринг, кўрасиз. Рубоб ва гитара оҳангига доиранинг шўх товуши қўшилди. Баҳор авжи сеп ёйган, дов-дарахлар ва эндигина юз очайтган гулзорлар узра эғизак хонандаларнинг ёқимли хониши қанот ёя бошлади. Биласизми, мен ўзимни Наманганимизнинг Бобур номидаги истироҳат боғида эмас, Тошкентдаги ёшлар боғида таниқли ўзбек эстрада кўшиқчиларининг хонишини тинглаётгандек ҳис қилдим беихтиёр. Рус, француз, инглиз тилидаги кўшиқлар ҳам шунчалик маҳорат билан ижро этилдики, томоша бошланганидан сал илгариги лоқайдлик ўрнига ёшларга хос кувноқлик, ҳаётдан завқланиш туйғулари эғаллади.

— Ёқимми? — Шеригим турткисидан ўзимга келдим. — Нимасини айтасиз! Чинакамига беш кетдим, — дедим қойил қолганимни яшира олмасдан. — Эғизак Ботировлар ҳақида гап кетганида, бир нарсани таъкидлашни истардим, бу ҳам бўлса, меҳнатқашликдир, — дейди ижрочиларнинг раҳбари Шукрулло Турдиев. — Кўшиқчилик ёки ижрочилик бўйича мураккаброқ топшириқ берилса, бажармагунларича тинчшмайди. Ҳатто, дам олиш кунлари ҳам машғул бўлишади. Муҳими, эстрада кўшиқчилигига юракдан ихлос қўйишган.



Каратэ мактаби

Аюбхон билан анчадан бери танишимиз. Фарғонадаги савдо техникумини битириб, Наманганга қайтганидан бери каратэ билан шуғулланади. Аюбхонни излаб борганимда шогирдлари билан Тошкентга, мусобақага кетганини айтишди. Икки кундан кейин олдига яна ўтдим. — Ака, ишимиз шунақа, эрталаб ҳам, кечқурун ҳам, ҳатто уйимизда ҳам каратэни ўйлайми, — деди Аюбхон кулиб. — Аслида одам бирон соҳага меҳр қўйдими, унга бутун борлиги билан боғланиши керак. Ана шунда дунё одамига айланади. Унинг ишонасида, мўъжазгина сумкасида спортга, хусусан, каратэга оид кўплаб газета-журналлар бўлади. Булар орқали барча янгиликлардан тўлиқ хабардор бўлиб боради. — Мусобақа тузук ўтдимиз? — сўрадим. — Биз учун ёмон бўлмади. Айниқса, кичкинтой иштирокчиларимиз хурсанд бўлишди. Тошкентнинг ЖАР спорт мажмуасида 16-18 апрел кунлари каратэ бўйича ўтказилган ёшлар ва ўсмирлар ўртасида беллашув якунида наманганлик ёш каратэчилар эришган натижалар билан қизиқамиз. — Тўққиз ва ўн ёшли Рисола Аббосова ва Акромжон Нейматжонов беллашувнинг олтин медалини олишга сазовор бўлди. 1993 йилда туғилган Сардор Файзуллаев 1998 йилда таваллуд топган Дилшод Шарипов беллашувнинг кумуш медали билан мукофотланди. 12 та каратэчи бронза медалини қўлга киритди, — деди Аюбхон тўлиб-тошиб.

Вилоятда ва умуман туманларда каратэ клублари ташкил этилиб, фаолият кўрсатаётганига ўн беш йилча бўлиб қолди. Бу орада ўнлаб таниқли спортчилар етишиб чиқди. Уларнинг анчагинаси мамлакатимизнинг таниқли каратэчиларига айланишган. Бугунги кунда Ўзбекистон каратэ жамоаси аъзолари ҳисобланган Сардор Қозоқов, Бахтиёр Раҳмонов, Гулбахор Дадабоева, Дилфуза Акбарова, Сардор Файзуллаев, Рисола Аббосова, Акром Нейматжонов Аюбхоннинг кечаги шогирдлари. Жумладан, 7 нафар спорт устаси, 40 дан ортиқ спорт усталигига номзодлар мусобақаларда Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. — Вилоятимизда мингдан ортиқ йигит-қиз спортнинг ушбу тури билан шуғулланмоқда, — дейди Аюбхон Тошбоев. — Чуст, Наманган, Чортоқ, Учқўрғон, Тўрақўрғон туманларида спортнинг бу турини пухта ўзлаштириб, обрўли беллашувларга ҳозирлик кўраётган ёш спортчиларимиздан умидимиз катта.

Файзуллаев, Рисола Аббосова, Акром Нейматжонов Аюбхоннинг кечаги шогирдлари. Жумладан, 7 нафар спорт устаси, 40 дан ортиқ спорт усталигига номзодлар мусобақаларда Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. — Вилоятимизда мингдан ортиқ йигит-қиз спортнинг ушбу тури билан шуғулланмоқда, — дейди Аюбхон Тошбоев. — Чуст, Наманган, Чортоқ, Учқўрғон, Тўрақўрғон туманларида спортнинг бу турини пухта ўзлаштириб, обрўли беллашувларга ҳозирлик кўраётган ёш спортчиларимиздан умидимиз катта.

— Банк тизимини ўз ичига қамраб олган биринчи навбатимизда ҳар бир гуруҳ алоҳида банклар номи билан аталади, — қўшимча қилди оромгоҳ бош етакчиси Наталя Кушнер. — Ҳар бир гуруҳ аъзоси ўз билими, спорт, маданий-маърифий тадбирлар ва тўғарақ ишларидаги фаоллиги эвазига ўз банки ҳисобрақамини бойитиб боради. Аксинча бўлса, жарима жазоси билан банки пулларининг озаёшишини «таъминлайди». Бир сўз билан айтганда, болажонларимизнинг пул топиш ва уни сарфлаш борасидаги билим ва тўшунчаларини бойитмоқчимиз. Эрта тонгда дам олувчилар, шунингдек, тарбиячилардан тортиб етакчиларга мураббий Сергей Колмаков раҳбарлигида бадан тарбия машқури бажарилади. — Бу ерда «Шўртангазимё» мажмуаси ишчиларининг фарзандлари, вилоятимиздаги кам таъминланган оилалар болалари, ҳатто хорихликлар ҳам дам олишади, — деди «Шўртангазимё» мажмуаси касабаси уюшма кўмитаси раиси Шухрат Уватов. — «Лочин»га болаларни олиб келган Россия, Украина, Туркия давлати вакиллари алоҳида эътироф этиб: «Бизда фақат пули кўплар бундай яхши масканларда дам олиши мумкин. Сизда эса давлат гамхўрлиги ва касабаси уюшманинг кўмаги билан барча болалар бундай имкониятга эга экан», дейишди.

Ақмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Ёзги соғломлаштириш Барча шодлик сизга бўлсин!

Жорий йилда Фарғона вилоятида 28000 нафар бола дам олиши режалаштирилган бўлиб, шундан 12300 нафари ёзги таътилни шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда ўтказишди. «Нихол», «Коинот», «Хумо», «Тонг», «Кимёгар» каби оромгоҳларда болажонлар мириқиб хордиқ чикаромқдалар.

— Мактаблар қошидаги кундузги соғломлаштириш масканларига 15700 нафар ўқувчи қамраб олинади, — дейди вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудри Валишер Азизов. — Болаларнинг ёзги таътил кунлари сермазмун, мароқли ўтиши учун ҳомий ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўлди. Барча оромгоҳларда кутубхона, «Маърифат ва маънавият» хонаси, турли тўғарақлар, футбол, волейбол, баскетбол, теннис майдончалари, сузиш ҳавзаси ташкил этилган. Тиббиёт хонаси зарур дори воситалари билан таъминланган. Хушманзара табиат қўйни — адир ва тоғлар, табаррук қадамжоларга савҳатлар уюштирилмоқда. Бу ҳам болалар хотирасида узок йиллар қолади, албатта.

Мухаммадҷон МАҲМУДОВ

Вазирлар Маҳкамаси ҳамда болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссияси мажлиси қарорига мувофиқ бу йил ҳоразмлик 1000 нафар бола Тошкент вилояти оромгоҳларида дам олдирилиши режалаштирилган.

Яқинда 300 дан зиёд болани сўлим гўшаларга қузатишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Одамбой Болтабоев болажонлар хордиқ чикарадиغان Паркент туманидаги «Лочин» оромгоҳида ўтган ҳар бир кунни эсда қоларли кечини учун барча шарт-шароитлар яратилганини таъкидлаб, оқ йўл тилади.

Мухаббат ТўРАБОЕВА «Ishonch» муҳбири

Айтиш жоизки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг 2010 йил 10 мартдаги йиғилиши байни, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва «Ёзги таътил — 2010» спорт мусобақаларини Бухоро вилоятида юқори савияда ташкиллаштиришнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилганлиги айтиш мумкин бўлди.

Вилоятда 1-7-синф ўқувчилари сони 206856 нафар бўлиб, уларнинг 16450 нафари оромгоҳларга жалб қилиниши режалаштирилган. Ўқувчиларнинг 96775 нафари мактабдан ташқари таълим муассасаларига қатнайдди. 20,5 мингга яқини спорт мактаблари машғулотларида иштирок этади, қолганлари соғломлаштириш майдончаларида жисмонан чиникиб, белгиланган ҳадвал бўйича савҳатларга чиқади.

— Таътилда секциялар мунтазам фаолият кўрсатади, — дейди вилоят «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамаиати раиси ўринбосари Тоҳир Ғуломов. — Вилоятда 2004 йилда секциялар сони 2281 тани ташкил этган бўлса, бултур ушбу миқдор 3519 тага етди. Яна бир ибратли жиҳати, шу даврда у ерда шуғулланувчи қизлар сони 49082 нафардан 71053 нафарга кўпайди. Табиийки, жорий йилда ушбу рақамлар салмоқли янада ошади.

— Болаларнинг ёзги таътили намунали ўтиши учун биз ҳам масъулмиз, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси ўринбосари Маҳмуд Тоҳиров. — «Футболимиз келажак» турнирининг ҳудудий босқич мусобақаларини ўтказиш режалаштирилган бўлиб, унда 11-12, 13-14, 15-16 ёш тоифасидаги болалар қатнашади. Дастлаб маҳалла, туман, кейин вилоят босқичи голиблари аниқланади. Голиб жамоа юқори босқич ўйинларида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Хуллас, Бухорода «Ёзги таътил — 2010» тадбирларининг қўлими кенг. Улардан нафақат оромгоҳларда дам олувчилар, балки уларга жалб этилмаган болалар ҳам баҳраманд бўлади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» муҳбири

«Шўртангазимё» мажмуасига қарашли «Лочин» болалар соғломлаштириш оромгоҳи Шаҳрисабз тумани Мирони қишлоғида жойлашган. Оромгоҳ ҳовлисида киришингиз билан ўзингизни болаларнинг сеҳрига дийрига келиб қолгандек ҳис қиласиз...

— 2005 йилда «Лочин» бутунлай қайта таъмирланди ва ҳар навбатда 650 нафардан ўғил-қизни дам олдириш, соғломлаштириш имкони туғилди, — деди биз билан сўхбатда оромгоҳ бошлиғи Исмаил Тўрақулов. — Жорий йилда «Шўртангазимё» раҳбарияти болажонларга ҳақиқий совға тайёрлашди. Миср эҳромлари шаклида қурилган «Пирамида» ва улкан кема кўринишида қад кўтарган «Лочин кемаси» ётоқхоналари ишга тушди. Натижада, бир навбатда 1000 нафар ўғил-қизни соғломлаштириш имкони туғилди. Бундан ташқари, барча павилонлар таъмирдан чиқди.

Шундай гўзал бинолари бор оромгоҳда дам оладиган болалар кунни қандай ўтказмоқда?

— Масканимизда Ўзига хос аънаа бор, — дейди бош тарбиячи Истам Ҳасанов. — Ҳар йил ёзги мавсумни алоҳида номлаб, машғул ва тадбирлар шу мавзуга йўналтирилади. Масалан, 2008 йилда «Юлдузли ёз» мавсумини ўтказдик. Ўғил-қизларимиз коинот олами, астрономик билимлар билан имкон қадар таништирилди. 2009 йилда эса «Денгизчилар ёзи» ўтди ва унда дам олувчилар денгиз, кема ва сув билан боғлиқ турли машғулотларда қатнашди. Бу йил болажонларни тадбиркорлик ва ишбилармонлик, бизнес соҳасига жалб этамиз. Жаҳоннинг баъзи мамлакатларида иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда уларни бизнес олами билан яқиндан таништириш фойдадан холи эмас. Масалан, биринчи навбатимиз банк тизимига бағишланса, иккинчиси нефт ва газ соҳасига, учинчи навбат шоу-бизнес ҳамда охириги туртинчи босқич мегаполис оламига боғлиқ тарзда ўтади.

— Банк тизимини ўз ичига қамраб олган биринчи навбатимизда ҳар бир гуруҳ алоҳида банклар номи билан аталади, — қўшимча қилди оромгоҳ бош етакчиси Наталя Кушнер. — Ҳар бир гуруҳ аъзоси ўз билими, спорт, маданий-маърифий тадбирлар ва тўғарақ ишларидаги фаоллиги эвазига ўз банки ҳисобрақамини бойитиб боради. Аксинча бўлса, жарима жазоси билан банки пулларининг озаёшишини «таъминлайди». Бир сўз билан айтганда, болажонларимизнинг пул топиш ва уни сарфлаш борасидаги билим ва тўшунчаларини бойитмоқчимиз. Эрта тонгда дам олувчилар, шунингдек, тарбиячилардан тортиб етакчиларга мураббий Сергей Колмаков раҳбарлигида бадан тарбия машқури бажарилади.

— Бу ерда «Шўртангазимё» мажмуаси ишчиларининг фарзандлари, вилоятимиздаги кам таъминланган оилалар болалари, ҳатто хорихликлар ҳам дам олишади, — деди «Шўртангазимё» мажмуаси касабаси уюшма кўмитаси раиси Шухрат Уватов. — «Лочин»га болаларни олиб келган Россия, Украина, Туркия давлати вакиллари алоҳида эътироф этиб: «Бизда фақат пули кўплар бундай яхши масканларда дам олиши мумкин. Сизда эса давлат гамхўрлиги ва касабаси уюшманинг кўмаги билан барча болалар бундай имкониятга эга экан», дейишди.

Ақмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири



Барқамол авлод йили муносабати билан қабул қилинган давлат дастури асосида барча давлат ва жамоат ташкилотлари каби Тошкент вилоят қасаба уюшма ташкилотлари ҳам бир талай ишларни амалга оширмақда.

Жумладан, ёш авлодни ҳар томонлама барқамол қилиб вояга етказишда муносиб ҳисса қўшаётган педагог ходимлар, қорхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ёшлар ҳамда талабаларнинг тарихий ва қадимий шарҳларимизга саёҳатлари уюштирилди.

Олий ва ўрта-маҳсус ўқув юртларида тахсил олаётган, кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилаларнинг иқтидорли фарзандларига қасаба уюшмалари устама стипендиялари бир неча йилдан бери аънавий тарзда топириб келинмоқда. Бу йил ҳам 64 нафар талабага қасаба уюшма стипендияси ажратилган. Бундан ташқари, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тар-



Фестивал

Саёҳат Самарқандга сафар

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Қарши туман бирлашган кўмитаси ҳисобидан 24-умумий ўрта таълим мактабининг 30 нафар ўқитувчиси Самарқанд шаҳрида саёҳатда бўлиб қайтди. Даставвал маорифчилар Исмоил-ал Бухорий зиёратгоҳида бўлишди. Кейин Самарқанд шаҳрининг тарихий обидалари — асрлар силсиласини ўзида кўз-кўз қилиб турган Улғубек, Тиллақори, Шердор мадрасалари билан танишдилар. Айниқса, Шохизинда, Гўри Амир, Бибиқоним обидалари саёҳатчиларда бой таассурот қолдирди.

Самарқанд шаҳрининг бугунги ўзгараётган қиёфаси ҳам дилларни ром этди.

Худойберди НАЗАРОВ, ўқитувчи

Ифтихор туйғуси

Амударё соҳилида жойлашган Хива шаҳри Марказий Осиёдаги энг диққатга сазовор масканлардан биридир. Тарихий обидалар ЮНЕСКО томонидан алоҳида эътироф этилгани ҳам бежиз эмас.

Яқинда Навоий вилояти алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшма кўмитаси тизими ходимлари учун Хоразм вилоятига 3 кунлик саёҳат ташкил қилинди. Қасаба уюшма маблағи ҳисобидан уюштирилган саёҳат давомида 54 нафар соҳа ходимлари Урганч, Хива шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишишга муваффақ бўлишди.

— Кўп вақтдан буён ходимларимиз ана шундай саёҳатга чиқишни орзу қилиб юришганда, — дейди қасаба уюшма кўмитаси раиси Муҳаббат Норқулова. — Қаранки, Ичан қалъада бўлган чоғимизда Германия, Франция, Италиядан келган сайёҳларни учратдик. Қалбимизда она ватанимизга бўлган муҳаббат янада жўш уриб, беихтиёр ифтихор ҳис этдик. Улар билан бирга айлиниб, уйга эсдаликка олинган бир даста суратлар билан қайтдик.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

64 талабага қасаба уюшмаси стипендияси

зани тарғиб қилувчи турли маънавий-маърифий тадбир, кўрик-танлов ҳамда спорт мусобақаларига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Вилоятдаги қасб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида босқичма-босқич ўтказилган «Барқамол авлод — келажакимиз бунёдкорлари» санъат фестивали ҳам шундай тадбирлардан биридир. Уни ўтказишдан мақсад эса ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, маънавий барқамол, Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳида тарбиялашда қасаба уюшмаларининг иштирокини таъминлаш, қасаба уюшмаларига аъзолик афзалликларини тарғиб этиш ва истеъдод соҳибларини

моддий-маънавий рағбатлантиришдир. Яқинда Олмалик шаҳрида «Кимёгар» маданият марказида тармоқ қасаба уюшмаси вилоят кенгашлари, вакилликлар томонидан голиб деб топилган ўқувчилар адабиёт ва санъат соҳасида 7 та йўналиш бўйича якуний босқичда ўзаро беллашдилар. Адабиёт йўналишида Бекобод шаҳар қурилиш ва коммунал хўжалиги қасб-хунар коллежи ўқувчиси С.Т.Шоматова биринчиликти кўлга киритган бўлса, санъатнинг эстрада кўшиқчилиги жанрида иккита биринчи ўрин Янгийўл технология-иқтисодиёт КХК талабалари Ҳасан ва Ҳусан Алимов ҳамда Янгийўл тиббиёт коллежидан

У.Жўраевага насиб этди. Мақом йўналишида Бекобод санъат КХК талабалари, аънавий ижрочиликда Юқори-чирик туман педагогика коллежи жамоаси, яқка чолғу ижрочилигида Ангрен кимё саноати КХК талабаси Б.Мерганов, шунингдек, яқка рақсда Чирчиқ тиббиёт коллежидан Д.Эргашева ҳамда жамоавий рақсда Янгийўл тиббиёт коллежи вакилларига омад қилиб боқди. Ҳалилар вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг эсдалик совғаси ва диплом билан тақдирланди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбири

Кўрик-танлов

Раққосалар

Ўзбек рақс санъатининг ривожига беқиёс қисса қўшган машҳур раққоса, халқимизнинг сеvimли санъаткори Мукаррама Турғунбоева номидидаги миллий рақс ижрочиларининг V аънавий кўрик-танлови бўлиб ўтмоқда. Яқинда танловнинг Жимзаҳ вилоят босқичида совриндорлар аниқланди. Вилоят академик ва халқ бадиий жамолари дирекцияси раққосаси Нозима Раббимова «Муножот», Зарбдор туман маданият уйининг «Юксалиш» жамоаси бадиий раҳбари Шоира Абдурахмонова «Тановар», «Сарвиноз» раққосалари билан энг юқори балларни олишга эришди. Ҳалилар республика беллашувида иштирок этади.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Юртимиз шифо масканларида

Катта дарвозадан «Шаханд сихатгоҳи»га кирганингиз ҳамон, ўзингизни жаннатга тўшиб қолгандек ҳис қиласиз. Айниқса, баҳор-ёзда сихатгоҳ ҳудудини таърифлашга сўз ожиз. Ховлидаги гулларнинг ранг-баранглигидан кайфиятингиз кўтарилади. Тўрт қаватли бинонинг томигача чирмашиб кетган гулларни айтмайсизми!

Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақшдир. Бу даврда ҳар бир ўрининг инсоннинг бутун умрига татийдиган ўчмас из қолдиради. Ҳамид Олимжон шоир бўлишига болалик таассуротлари, бувиси айтган эртаклар муҳим омил бўлганини шундай хотирлайди:

Болалик кунларимда, Уйқусиз тунларимда, Кўп эртак эшитардим, Сўзлаб берарди бувим. Эсимда ўша дамлар, Ўзи учар гиламлар... Шоир кейинчалик ана шу эртаклар асосида «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» достонларини ёзган.

Кекса авлод вакиллари фарзанду невараларига кўпроқ эртак айтиши, ҳеч бўлмаганда ўз болалигини эслаб, ибратли ҳикоялар сўзлашдан эринмаслиги керак. Устозим — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Самғи Абдуллаев болалигим жуда севар, улар билан учрашувларни интиқиб кутарди. Қандай қилиб расм бўлгани ҳақида ҳикоя қилишдан ҳеч эринмасди. — Мактабдан келаятсам, Шайхонтоҳур макбараси рўпарасида бир киши қўлида мўйқалам, расм чизаяпти. Бир расмга, бир макбарага қарайман, айнан ўзидек тасвирланган... Ҳайратланиб расмомни кузатаман. «Ҳа болакай, ҳавасинг келаяптими? Сенгаям ўргатишим мумкин, агар қизиқсанг...» деди у. Танишдик. Бу киши тасвирий тўғарак ўқитувчиси (княз Н.К.Романов саройида) Александр Волков экан. Мени тўғаракка тақлиф этди. Уқийшдан сўнг бўш пайтимда тасвирий санъат тўғарига қатнашиб, расм чизишни, тасвирий санъат силрларини ўргандим, дерди раҳматли устоз. Ўзбекистон халқ рассоми, академик Абдулҳақ Абдуллаев эса болалигини шундай хотирларди: — Онамнинг уй ишлари билан банд бўлган ҳолда гимир-гимир қилиб юриши менга жуда ёқарди. Айниқса, қўлига челақ олиб, унинг бир четига сариёғми, қаймоқми суртиб, сигир соғишга бориши ўзига хос бир санъат, «пов-пов» этиб сигир соғиши энг ёқимли мусиқа эди. Йил-

«Шаханд»га бир келинг

Яқинда меҳмон бўлиб келган наманганлик шоира Василага Турдибоева сихатгоҳимизни «Ялта» курортга тенглаштирди. Худудни айланиб, ичкарига кирар экансиз, хоналарнинг саришталлиги, тозаланидан дил яйрайди. Шиннам, маънавий усулдаги оилавий кotteжлар, 30 га яқин муолажа хоналари дам олувчилар хизматида.

«Шаханд сихатгоҳи» шўба қорхонаси Тўрақўрган туманидаги Шаханд қишлоғида жойлашган бўлиб, бу ерга келган даволанувчи аввало хизмат даражаси юқорилигидан, қолаверса, ишчи-хизматчиларимизнинг муомаласи-ю, ширинсўзлигидан хурсанд бўлади. 2003 йилда ҳар бир ишнинг ўзига хос томонларини атрофлича ўрганиб чиққан бош шифокор Умаржон Мўминов ишчилар формасини ташкил этди. Санаторийда меҳнат қилаётган 137 нафар ишчи-хизматчилардан 86 нафарини авллар ташкил этади. Меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, санитария қоидаларига мос равишда

қулай иш шароити яратиб қўйилганлиги айни мuddао бўлмоқда. Ходимлар учун 10 кун даволаниш бепул. Самарали меҳнат қилган ходимлар йил якунида муқотлар билан тақдирланади. 2010-2012 йиллар учун тузилган жамоа шартномасига асосан ходимлар бепул кийим-бош ҳамда ҳимоя воситаси билан таъминланади. Йил давомида бўладиган умумхалқ ва қасб байрамларида

ишчилар учун концерт ташкил этилиб, кам таъминланган, кўп болали боқувчисини йўқотган оилаларга хайрия ёрдами кўрсатилади. Масалан, утган Янги йил тадбирида қишлоғимизда жойлашган интернат ўқувчиларига янги йил совғаси топширилди. Ҳанифа РЎЗИМАТОВА, «Шаханд сихатгоҳи» шўба қорхонаси қасаба уюшма кўмитаси раиси

Мулоҳаза

лар ўтиб, санъатга қизиқдим. Расмом бўлдим. «Она», «Бува билан неварам», «Шахло» деб номланган портрет асарлари болалигим эслаш жараёнида яратилган. Академик расмом Раҳим Аҳмедовнинг болалик хотиралари яна ҳам қизиқарли эди: — Онам юмшоқ қалбли, отам қаттиққўл эди. Кези келганда ростмана дўппослар-

далиқда шаклланади. Шу даврда унда инсоф-диёнат, одамийлик, раҳмдиллик ёки жоҳиллик, шафқатсизлик куртаклари пайдо бўларкан. Болалигимда беозор бўлган эканман. Ҳечким мендан нолимас, ҳамма «маъқул бола» дерди. Жониворларни, табиатни севардим. Бир кун мактабдан қайтаётганда кўча чангитиб юрган болаларга дуч келдим. Кўнжлари тўла чумчуқ полапонлари. Улар бир полопонни менга узатиб: «Калласини узиб ташла» деди. Айтганини қилмадим, «Э, кўрқоқ!» деб, ёнидаги болага узатди. У бир зумда полопоннинг калласини юлиб «Манат!» деб мактабни ерга ташлади. Жони чиқётган полопон оғзини катта очиб типирчиларди. Унга ачинганимдан йиғлаб юбордим. Болалар билан уришиб кетдим. Улар мени роса дўппослашди. Пола-

понни дарахт тагига қўйиб, уйга қайтдим. Шу болаларни кузатиб юрдим. Уларнинг бири қамалди, бошқаси оиласидан ажралди, яна бирови ёмон касалга чалиниб ўлди. Яқинда телевизорда бир актёр билан учрашув бўлди. Унга «Болалик пайтингиз қандай кечган?» деб бошловчи савол берди. «Жуда шўх эканман. Бир кун қўшмининг ун арава келадиган хашагини ёқиб юборибман. Яна бир қўшмининг сиргини бедапоёда боқиб, қорнини шишириб, ҳаром ўлдириб қўйганман» деса бўладими! Мактабда қандай ўқигани ҳақида сўраганда эса: «Ўрта ўқиганман. Физика, математика фанларини ёмон кўрардим» деди. Болаларга ёқадиган бу «юдуз»нинг гапи фарзандларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмаслигига ҳеч ким қафлат беролмайди. Чунки, бола ўзи яхши кўрган санъаткорларга кўр-кўрона эргашади. Халқимизда уйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, деган ҳикмат бор. Айниқса, бола тарбиясида бунга ҳаммиша ёдда тутиш зарур.

Маҳмуд АҲМЕДОВ, санъатшунос

«Болаликни эсдаш...»

ди. Расм дарсига қизиқардим. Йўқчилик — қоғоз, қалам олишга пул йўқ. Қўшмининг боласи рангли қаламларини менга кўз-кўз қилади. Улар бизга нисбатан бадавлатроқ. Бир кун қаламини сотмоқчи бўлди. Пулим йўқ эди. Келишиб қаламин кир совунга алмашдим. Қувониб расм чизиб ўтиргандим, отам келиб қолди: — Рангли қаламларни қайдан олдинг, — деди. Тўғриси айтдим. Дўппосламоқчи бўлиб қўлини кўтаргани, онам юғриб келиб, мени бағрига босди: — Кечиринг, دادаси! Балки ўғлимиз катта бўлса расмом бўлар. Бизни суратимизни чизар, — деб отамни жаҳлидан туширди. Падари бузуқворим мени ўғрилиқда айблаб, анча пайт гаплашмай юрди. Онажонимнинг сўзлари далда бўлиб расмом бўлдим. Ўзбекистон давлат санъат музейида намоийш этилаётган Раҳим Аҳмедовнинг «Она ўйлари», «Оналик», «Тонг» асарларини томошабинларга тушунтираётганимда расмомнинг болалик хотираларини ҳам сўзлаб бераман. Инсоннинг келажакда ким бўлиши бо-

ЖЧ—2010

Баҳслар қизғин паллада

Ўтган ҳафтанинг жума кунини Жанубий Африка Республикасида орақиб кутилган футбол байрами — Жаҳон чемпионати ўйинларига старт берилди. Уни ҳамюртимиз, ФИФА ҳақами Равшан Эрматов мезбон жамоа ЖАР ва Мексика терма жамоалари ўртасидаги учрашув билан бошлаб берди. Шундай қилиб, Эрматовнинг ҳўштаги билан бир ойлик марафон йўлга чиқди. Илк беллашув тенг курашлар остида бошланди. Шундан сўнг томонлар дарвозалари дахлсизлигини синодан ўткази бошлади.

Баҳсининг 55-дақиқасида Тшабалала (ЖАР) ҳисобни очган бўлса, 79-дақиқада мексикаликлар ҳужумчиси Маркес мувозанатни тиклади — 1:1. Шу кун «А» кватретдан жой олган Уругвай ва Франция терма жамоалари ўртасидаги иккинчи учрашувда эса ҳисоб очилмади. Жамоалар нурсиз дурангга имзо чекишди. Қуйида биринчи турнинг дастлабки натижалари билан танишишингиз мумкин.

Table with 2 columns: Country, Goals. Rows include Germany, Serbia, etc.

1- турнинг қолган ўйинлари

Шунингдек, кеча Голландия — Дания, Япония — Камерун, Италия — Парагвай жамоалари ўзаро беллашдилар. Бугун Янги Зеландия — Словакия, Кот-д'Ивуар — Португалия, Бразилия — КўДР, эртага Гондурас — Чили, Испания — Швейцария жамоалари куч сынашади.

Тўпуларлар

Table with 3 columns: Player, Team, Goals. Lists top scorers like S. Tshabalala, L. Podolski, etc.

Right sidebar containing contact information, subscription rates, and publication details for 'Ishonch' magazine.